

SOCIAL PEDAGOGICAL EDUCATION IN WORK EDUCATION THE IMPORTANCE OF DEVELOPMENT

Mumindzhanova Saida Khaitmatovna

Chirchik is a lecturer in the Department of Languages at EKSTU

Abstract. The article discusses the views on the development of social pedagogical thinking of youth and ensuring the effectiveness of teaching social sciences.

Keywords: youth, education, social pedagogy, knowledge, development, pedagogical activity, teacher, lesson.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИК БИЛИМЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Муминджанова Саида Хайитматовна

Чирчиқ ОТҚМБЮ Тиллар кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада ёшларнинг ижтимоий педагогик тафаккурини ривожлантириш ва ижтимоий фанларни ўқитишнинг самарадорлигини таъминлашга оид фикрлар ёритилган.

Калит сўзлар: ёшлар, тарбия, ижтимоий педагогик, билим, ривожлантириш, педагогик фаолият, ўқитувчи, дарс.

Аннотация. В статье рассматриваются взгляды на развитие социально-педагогического мышления молодежи и обеспечение эффективности преподавания социальных наук.

Ключевые слова: молодежь, образование, социальная педагогика, знания, развитие, педагогическая деятельность, учитель, урок.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар юксалишларига эътибор бериб қараладиган бўлса, уларнинг негизида ёш авлод тарбияси турганлигини англаш қийин эмас. Чунки, Ватанимизнинг порлоқ келажаги вояга етаётган фарзандларимиз қўлида. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз. Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим. Мана улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар:

“Халқнинг аниқ мақсади сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликдан олган тарбияларига боғлиқ” [1].

Ёш авлод тарбиясида узлуксиз таълимнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Ушбу жараёнда ижтимоий фанларга, жумладан, Ижтимоий педагогика фанига муҳим ўрин ажратилган. Талабалар ижтимоий тафаккурини шакллантиришда, яъни ижтимоий фанларни ўқитишнинг самарадорлигини таъминлашда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ижодий жараён фан ўқитувчилари фаолиятининг асосий қисмини ташкил этиши даркор.

Муаммонинг ечимига бундай муносабат таълим сифатини ошириш, узлуксиз таълимдаги ислохотларнинг чуқурлашувида ҳар бир педагогнинг шахсий маъсулиятини таъминлаш масаласи билан

боғлиқдир. Ушбу педагогик фаолият, ўқитувчининг дарсга яхши тайёргарлик кўриши, бўлажак дарс мавзусига доир қўшимча адабиётлар билан яқиндан таниш бўлиш вазифасини илгари суради. Шунингдек, ўқитувчи дарсни ташкил қилиши, унинг самарадорлигини юксалтириш учун замонавий таълимдан, сўнги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалардан фойдаланиш заруриятини вужудга келтиради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик мазмундаги иқтисодий ислохотлар, педагогик таълимнинг барча жабҳаларини модернизациялаш масаласи билан ўзаро боғлиқдир. Муаммонинг долзарблиги шундаки, давр ёшлари чуқур билим олиш заруриятини, фан ўқитувчиларидан ижтимоий фанлар асосида берилаётган таълимнинг сифатини янада такомиллаштириш заруриятини талаб қилмоқда. Таълимдаги ислохотлар таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини юксалтириш зарурияти билан бирга илмий асосланган методик усуллардан фойдаланишни ҳам тақоза этади. Айниқса, ўқув фан дастурлари асосида ўқитиладиган дарсларнинг сифатини оширишга алоҳида эътибор берилиши, дарс давомида мавзу мазмунини ёритилишига илмий, ижодий ёндошилган фикрлар мажмуи интеграциялаштирилиб, талабаларда ижтимоийлашувни юксалтириш масаласига инновацион усулда ёндашилади.

Ўзлуксиз таълими тизимининг ташкилий асосини белгилаб берувчи хужжат ҳисобланган ўқув режасида, ижтимоий фанлар доирасида билимларни чуқур ўргатилишига алоҳида эътибор берилган. Ижтимоий фанлар мажмуасини ўрганишдаги асосий вазифалар сирасига талабалар маънавий, ахлоқий, сиёсий маданиятини ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, келажакда миллий иқтисодиётимизнинг тараққиёти учун ўзларининг бевосита иштирок этишлари, шахсий ҳиссаларини қўшишлари каби тушунчаларни шакллантириш вазифаси ҳам киради. Талабалар ўқув дастурларига киритилган махсус мавзуларни ўрганиши, улар устида мустақил ишларни бажариши туфайли мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмунини ва мақсадини, фуқаролик жамияти ривожланишидаги аҳамиятини тушуниб оладилар. Шунингдек, демократик ва ҳуқуқий давлатнинг ривожланиш босқичлари, фуқаролик жамияти шароитида қўлга киритиладиган ютуқларимизнинг моҳияти, давлатимизнинг ёшлар камолотини таъминлаш учун олиб бораётган изчил сиёсати мазмунини англайди. Ушбу дарслар самарадорлиги, ёшлар демократик ислохотлар чуқурлашуви шароитида инсон камолоти, шахс ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларининг ечими, ёшлар учун яратилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни англаб олиши билан боғлиқдир.

Шунинг учун ижтимоий фанларни ўрганиш жараёнида, юртимиздаги демократик ислохотлар мазмунини тушунтиришга қаратилган мавзулар ўқувчилар диққат марказида бўлмоқда. Таъкидлаш лозимки, мавзулар мазмуни ўқувчилар фуқаролик жамияти ривожланиши жараёнининг ижтимоий жиҳатларини билиб олишларига ёрдам бермоқда.

Шу жиҳатдан қаралганда, ёшларга ижтимоий педагогик билимлар замонавий илмий, услубий манбалар асосида ўқитилиши таълим сифатини таъминловчи омиллардан ҳисобланади.

Ёшларда ижтимоий педагогик билимларнинг ривожланиши асосида тафаккурининг кенгайиши, улар шуурида ижтимоийлашувга оид билимлар мажмуасининг қарор топиши муҳимдир. Ижтимоийлашув - шахснинг жамият яратган билим ва нормаларни ўрганиши ҳамда хулқ-атворни ўзлаштириши орқали ижтимоий муносабатларда қатнашишидир[2].

Шунингдек, ёшлар ижтимоийлашиш жараёнида реал ҳаётдаги мавжуд оила, маҳалла, дин, таълим ва тарбия муассасаларидаги ижтимоий муҳит кучли таъсир этади.

Хулоса сифатида қайд қилиш лозимки, ёш авлод тарбиясида ижтимоий педагогик билимларни ривожлатириш, ёшларда ижтимоийлашишга оид тафаккурни юксалтиришга хизмат қилади. Шунингдек, ушбу жараённинг муҳим хусусиятларидан яна бири, ёш авлоднинг мамлакатдаги ижтимоий жамиятимизда эришилган барча ютуқлар асосини ижтимоий йўналтирилган сиёсат ташкил этгани тўғрисидаги тушунчаларга эга бўлишидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузаси. 7 декабрь 2016 йил..
2. Алиқулова М.М. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва вояга етмаган ёшлар тарбиясининг ижтимоийлашиш тенденциялари. Рақамли иқтисодиёт: Муаммолар, ечим, истиқболлар. Республика илмий-амалий конференция. Самарқанд-2020. 32-34 бетлар.